

Саҳиҳул Бухорийнинг мухтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ
КИТОБИ / 160-ҳадис

160 - 3207 - عَنْ مَالِكِ بْنِ صَعْصَعَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُمَا: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:

بَيْنَا أَنَا عِنْدَ الْبَيْتِ بَيْنَ النَّائِمِ وَالْيَقْظَانِ - وَدَكَرَ بَيْنَ الرَّجُلَيْنِ - فَأْتَيْتُ بِطَسْتٍ مِنْ ذَهَبٍ، مُلِئٌ
حِكْمَةً وَإِيمَانًا، فَشُقَّ مِنَ النَّحْرِ إِلَى مِرَاقِ الْبَطْنِ، ثُمَّ غُسِلَ الْبَطْنُ بِمَاءٍ زَمْزَمَ، ثُمَّ مُلِئَ حِكْمَةً وَإِيمَانًا،
وَأْتَيْتُ بِدَابَّةٍ أَبْيَضَ، دُونَ الْبَعْلِ وَفَوْقَ الْحِمَارِ؛ الْبَرَأُ.

فَأَنْطَلَقْتُ مَعَ جِبْرِيلَ حَتَّى أَتَيْتِنَا السَّمَاءَ الدُّنْيَا، قِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قِيلَ: جِبْرِيلُ، قِيلَ: مَنْ مَعَكَ؟ قِيلَ:
مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ؟ قَالَ: نَعَمْ، قِيلَ: مَرْحَبًا بِهِ، وَلِنَعْمَ الْمَجِيءُ جَاءَ، فَأْتَيْتُ عَلَى آدَمَ
فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَقَالَ: مَرْحَبًا بِكَ مِنْ ابْنِ وَنِيِّ.

فَأْتَيْتِنَا السَّمَاءَ الثَّانِيَةَ، قِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: جِبْرِيلُ، قِيلَ: مَنْ مَعَكَ؟ قَالَ: مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ
إِلَيْهِ؟ قَالَ: نَعَمْ، قِيلَ: مَرْحَبًا بِهِ، وَلِنَعْمَ الْمَجِيءُ جَاءَ، فَأْتَيْتُ عَلَى عِيسَى وَيَحْيَى، فَقَالَ: مَرْحَبًا بِكَ
مِنْ أَخٍ وَنِيِّ.

فَأْتَيْتِنَا السَّمَاءَ الثَّلَاثَةَ، قِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قِيلَ: جِبْرِيلُ، قِيلَ: مَنْ مَعَكَ؟ قِيلَ: مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ
إِلَيْهِ؟ قَالَ: نَعَمْ، قِيلَ: مَرْحَبًا بِهِ، وَلِنَعْمَ الْمَجِيءُ جَاءَ، فَأْتَيْتُ يُوسُفَ فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَقَالَ: مَرْحَبًا
بِكَ مِنْ أَخٍ وَنِيِّ.

فَأْتَيْتِنَا السَّمَاءَ الرَّابِعَةَ، قِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قِيلَ: جِبْرِيلُ، قِيلَ: مَنْ مَعَكَ؟ قِيلَ: مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ
إِلَيْهِ؟ قِيلَ: نَعَمْ، قِيلَ: مَرْحَبًا بِهِ، وَلِنَعْمَ الْمَجِيءُ جَاءَ، فَأْتَيْتُ عَلَى إِدْرِيسَ فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَقَالَ:

مَرْحَبًا بِكَ مِنْ أَخٍ وَنَبِيِّ.

فَأَتَيْنَا السَّمَاءَ الْخَامِسَةَ، قِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: جِبْرِيلُ، قِيلَ: وَمَنْ مَعَكَ؟ قِيلَ: مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ؟ قَالَ: نَعَمْ، قِيلَ: مَرْحَبًا بِهِ، وَلِنَعْمَ الْمَجِيءُ جَاءَ، فَأَتَيْنَا عَلَى هَارُونَ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَقَالَ: مَرْحَبًا بِكَ مِنْ أَخٍ وَنَبِيِّ.

فَأَتَيْنَا عَلَى السَّمَاءِ السَّادِسَةِ، قِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: جِبْرِيلُ، قِيلَ: مَنْ مَعَكَ؟ قِيلَ: مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ؟ قَالَ: نَعَمْ، قِيلَ: مَرْحَبًا بِهِ، وَلِنَعْمَ الْمَجِيءُ جَاءَ، فَأَتَيْتُ عَلَى مُوسَى، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَقَالَ: مَرْحَبًا بِكَ مِنْ أَخٍ وَنَبِيِّ، فَلَمَّا جَاوَزْتُ.. بَكَى، فَقِيلَ: مَا أَبْكَاكَ؟ قَالَ: يَا رَبِّ؛ هَذَا الْعَلَامُ الَّذِي بُعِثَ بَعْدِي، يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مِنْ أُمَّتِهِ أَفْضَلُ مِمَّا يَدْخُلُ مِنْ أُمَّتِي.

فَأَتَيْنَا السَّمَاءَ السَّابِعَةَ، قِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قِيلَ: جِبْرِيلُ، قِيلَ: مَنْ مَعَكَ؟ قِيلَ: مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ؟ قَالَ: نَعَمْ، قِيلَ: مَرْحَبًا بِهِ، وَلِنَعْمَ الْمَجِيءُ جَاءَ، فَأَتَيْتُ عَلَى إِبْرَاهِيمَ فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَقَالَ: مَرْحَبًا بِكَ مِنْ ابْنِ وَنَبِيِّ.

فَرَفَعَ لِي الْبَيْتَ الْمَعْمُورَ، فَسَأَلْتُ جِبْرِيلَ، فَقَالَ: هَذَا الْبَيْتُ الْمَعْمُورُ، يُصَلِّي فِيهِ كُلَّ يَوْمٍ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ، إِذَا خَرَجُوا.. لَمْ يَعُودُوا آخِرَ مَا عَلَيْهِمْ.

وَرَفَعَتْ لِي سِدْرَةَ الْمُنْتَهَى؛ فَإِذَا نَبُفُّهَا كَأَنَّهُ قِلاَلُ هَجْرٍ، وَوَرَفُّهَا كَأَنَّهُ آذَانُ الْفِيلِ، فِي أَصْلِهَا أَرْبَعَةٌ أَتْهَارٍ: تَهْرَانِ بَاطِنَانِ، وَتَهْرَانِ ظَاهِرَانِ، فَسَأَلْتُ جِبْرِيلَ، فَقَالَ: أَمَّا الْبَاطِنَانِ.. فَفِي الْجَنَّةِ، وَأَمَّا الظَّاهِرَانِ.. الْفُرَاتُ وَالنَّيْلُ.

ثُمَّ فُرِضَتْ عَلَيَّ خَمْسُونَ صَلَاةً، فَأَقْبَلْتُ حَتَّى جِئْتُ مُوسَى، فَقَالَ: مَا صَنَعْتَ؟ قُلْتُ: فُرِضَتْ عَلَيَّ

حَسْبُونَ صَلَاةً، قَالَ: أَنَا أَعْلَمُ بِالنَّاسِ مِنْكَ؛ عَالَجْتُ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَشَدَّ الْمَعَالَجَةِ، وَإِنَّ أُمَّتَكَ لَا تُطِيقُ،
 فَارْجِعْ إِلَى رَبِّكَ فَسَلِّهُ التَّخْفِيفَ، فَرَجَعْتُ فَسَأَلْتُهُ، فَجَعَلَهَا أَرْبَعِينَ، ثُمَّ مِثْلَهُ، ثُمَّ ثَلَاثِينَ، ثُمَّ مِثْلَهُ،
 فَجَعَلَ عِشْرِينَ، ثُمَّ مِثْلَهُ، فَجَعَلَ عَشْرًا، فَأَتَيْتُ مُوسَى، فَقَالَ: مِثْلَهُ، فَجَعَلَهَا خَمْسًا، فَأَتَيْتُ مُوسَى،
 فَقَالَ: مَا صَنَعْتَ؟ قُلْتُ: جَعَلَهَا خَمْسًا، فَقَالَ مِثْلَهُ، قُلْتُ: سَلَّمْتُ، فَنُودِيَ: إِنِّي قَدْ أَمْضَيْتُ
 فَرِيضَتِي، وَحَقَّقْتُ عَنْ عِبَادِي، وَأَجْزِي الْحَسَنَةَ عَشْرًا.

160- 3207. Молик ибн Саъсаъа розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Мен Байтнинг олдида, уйқу билан уйғоклик ўртасида эдим. – Икки кишининг ўртасида бўлганларини айтдилар.* – Шунда менга ҳикмат ва иймонга тўла тилла тос келтирилди. Томоқдан то қориннинг юмшоқ жойигача ёрилди. Кейин қорин Замзам суви билан ювилди-да, ҳикмат ва иймонга тўлдирилди. Менга хачирдан кичикроқ, эшакдан каттароқ бир оқ улов - Буроқ[1] келтирилди. Мен Жаброил билан бирга жўнадим. Ниҳоят, дунё осмонига келганимизда, «Ким бу?» дейилди. «Жаброил», деди у. «Ёнингдаги ким?» дейилди. «Муҳаммад», дейилди. «Унга (исро учун) элчи юборилганмиди?» дейилди. (Жаброил:) «Ҳа», деди. «Хуш келибди. Нақадар гўзал келиш бу!» дейилди. Кейин Одамнинг олдига келиб, унга салом бердим. У: «Хуш келибсан, ўғил, Набий!» деди. Сўнг иккинчи осмонга келган эдик, «Ким бу?» дейилди. «Жаброил», деди у. «Ёнингдаги ким?» дейилди. «Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам», деди. «Унга (исро учун) элчи юборилганмиди?» дейилди. «Ҳа», деди. «Хуш келибди. Нақадар гўзал келиш бу!» дейилди. Кейин Йисо ва Яҳёнинг олдига келдим, улар: «Хуш келибсан, биродар, Набий!» дейишди. Кейин учинчи осмонга келдик. «Ким бу?» дейилди. «Жаброил», дейилди. «Ёнингдаги ким?» дейилди. «Муҳаммад», дейилди. «Унга (исро учун) элчи юборилганмиди?» дейилди. «Ҳа», деди (Жаброил). «Хуш келибди. Нақадар гўзал келиш бу!» дейилди. Сўнг Юсуфнинг олдига келиб, унга салом бердим. У: «Хуш келибсан, биродар, Набий!» деди. Сўнг тўртинчи осмонга келдик. «Ким бу?» дейилди. «Жаброил», дейилди. «Ёнингдаги ким?» дейилди. «Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам», дейилди. «Унга (исро учун) элчи юборилганмиди?» дейилди. «Ҳа», дейилди. «Хуш келибди. Нақадар гўзал келиш бу!» дейилди. Мен Идриснинг олдига келиб, унга салом бердим. Шунда у: «Хуш келибсан, биродар, Набий!» деди. Кейин бешинчи осмонга келдик. «Ким бу?» дейилди. «Жаброил», дейилди. «Ёнингдаги ким?» дейилди. «Муҳаммад», дейилди. «Унга (исро учун) элчи**

юборилганмиди?» дейилди. «Ха», деди (Жаброил). «Хуш келибди. Нақадар гўзал келиш бу!» дейилди. Биз Ҳоруннинг олдига келдик. Мен унга салом бердим. Шунда у: «Хуш келибсан, биродар, Набий!» деди. Сўнг биз олтинчи осмонга келдик. «Ким бу?» дейилди. «Жаброил», дейилди. «Ёнингдаги ким?» дейилди. «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам», дейилди. «Унга (исро учун) элчи юборилганмиди? Хуш келибди. Нақадар гўзал келиш бу!» дейилди. Мен Мусонинг олдига келиб, унга салом бердим. Шунда у: «Хуш келибсан, биродар, Набий!» деди. Унинг олдидан ўтиб кетишим билан йиғлаб юборди. «Нега йиғлаяпсан?» дейилди. У: «Эй Роббим! Мендан кейин пайғамбар қилиб юборилган мана бу йигитнинг умматидан менинг умматимдан кирадиганлардан ортиқ киши жаннатга кирар экан», деди.* Кейин еттинчи осмонга келдик. «Ким бу?» дейилди. «Жаброил», дейилди. «Ёнингдаги ким?» дейилди. «Муҳаммад», дейилди. «Унга (исро учун) элчи юборилганмиди? Хуш келибди. Нақадар гўзал келиш бу!» дейилди. Мен Иброҳимнинг олдига келиб, унга салом бердим. Шунда у: «Хуш келибсан, ўғил, Набий!» деди.

Сўнгра менга Байтул-маъмур[2] намоён қилинди. Жаброилдан сўраган эдим, у: «Бу - Байтул-маъмур, унда ҳар куни етмиш минг фаришта намоз ўқийди. (Ундан) чиққач, бу улар учун охиргиси бўлади, унга қайтиб кирмаслар», деди. Кейин менга Сидратул-мунтаҳо* намоён қилинди. Қарасам, унинг мевалари Ҳажарнинг* хумларидек, барглари филнинг қулоғидек келар экан. Унинг тагида тўртта анҳор: иккита яширин, иккита ошкор анҳор бор экан. Жаброилдан сўраган эдим, «Иккита яширини жаннатда. Иккита ошкораси эса Нил ва Фуротдир»,* деди. Кейин Аллоҳ менга эллик (маҳал) намозни фарз қилди. Ортимга қайтиб, Мусонинг олдига келганимда, у: «Нима қилдинг?» деди. «Менга эллик (маҳал) намоз фарз қилинди», дедим. У: «Мен одамларни сендан яхшироқ биладан. Бану Исроил билан (уларни тўғрилаш учун) қаттиқ шуғулланганман. Сенинг умматинг ҳам тоқат қила олмайди. Роббинг ҳузурига қайтиб, Ундан (енгиллатишни) сўра», деди. Қайтиб бориб, У Зотдан сўраган эдим, уни қирқта қилди. Кейин яна шундай бўлди-да, ўттизта қилди. Кейин яна шундай бўлди-да, йигирмата қилди. Кейин яна шундай бўлди ва ўнта қилди. Сўнг Мусонинг олдига келган эдим, у ҳалигидек гап айтди ва (қайтиб бориб, сўраган эдим) Аллоҳ бешта қилди. Кейин Мусонинг олдига келган эдим, у: «Нима қилдинг?» деди. Мен: «Уни беш (маҳал) қилди», дедим. У яна ҳалигидек гап айтган эди, мен: «Яхшиликка таслим бўлдим», дедим. Шунда: «Дарҳақиқат, Мен фарзимни ижро этдим ва бандаларимга енгиллаштирдим. Мен бир ҳасанага ўн баробар мукофот бераман», деб нидо қилинди».

* Бу жумла ровий томонидан киритилган бўлиб, бу ерда бошқа ривоятда

келган «**Уйқу билан уйғоқлик ўртасида эдим. Бирдан бировнинг «У уч кишининг бири, икки кишининг ўртасидагиси», деяётганини эшитдим»**, деган ибора назарда тутилган. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша кечада Ҳамза билан Жаъфар розияллоҳу анҳумонинг ўртасида ухлаётган эдилар.

* Мусо алайҳиссалом Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ҳасад ёки куюнчакликдан эмас, балки ўз умматларига раҳми келганидан, ачинганидан йиғлаганлар, чунки у дунёда оддий инсонлар ҳам бу каби ёмон хислатлардан холи бўлади. Аллоҳнинг сайлаган бандалари эса бунингдек сифатлардан тоза бўлиши табиийдир.

* Сидратул-мунтаҳо - луғатда «ниҳоя дарахти», «чегара дарахти» деган маънони англатади. Ҳадисда таърифланишича, у бутасимон дарахт бўлиб, чавандоз бир неча ўн йил от чоптирса ҳам, унинг сояси тугамайди. Унинг «ниҳоя» деб номланишига сабаб шуки, барча махлуқотнинг илми ўша жойгача етади, ундан у ёғида нима борлигини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Фаришталар ҳам ундан у ёғига ўта олмайдилар. Бу ҳам ғайбга тааллуқли нарсалардан бўлиб, у ҳақда оят ва ҳадисларда келган маълумотлар билан кифояланиш лозим. Унинг кайфияти ва бошқа жиҳатлари Аллоҳнинг Ўзигагина маълум бўлиб, инсон ақлу идрокидан устундир.

* Ҳажар - Мадинага яқин шаҳарлардан бири. У ердаги хумлар ҳақида тингловчиларда етарли тасаввур бўлгани боис, мазкур дарахт мевалари уларга ўхшатишган.

* Меърожда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга кўплаб ажойиботлар кўрсатилган. Жумладан, Сидратул-мунтаҳо дарахти остида Нил ва Фурот дарёлари намоиш қилинган. Бу улар айнан ўша жойдан оқиб тушади, дегани эмас, албатта. Аммо уларнинг мазкур мақомда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга кўрсатилиши бу дарёларнинг баракали, жаннат анҳорлари каби фазилатли, серманфаат эканини англатади.

Уламолар ҳадисдаги ушбу жумлани бир неча хил изоҳлаганлар. Айримлари: «Бу ерда араб тилига хос бўлган бадийий ифода услуби қўлланилган» деса, бошқалари: «Бу мазкур дарёлар атрофидаги халқларнинг Исломга кириб, жаннат аҳлидан бўлишига ишора», дейишган. Нима бўлганда ҳам, бу манзара ғайб хабарларидан бўлиб, ўзига хос услубда кечган. Унинг қандай бўлгани, нима ҳикмати борлиги ёлғиз Аллоҳга маълум. Биз бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитилган хабарларга иймон келтириш билан чекланишимиз тўғри бўлади.

* Ровийларидан бири Қатода ушбу ҳадиснинг аввалги қисмини Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу орқали Молик ибн Саъсаъа розияллоҳу анҳумодан, Байтул-маъмур ҳақида сўз кетган жойидан пастини эса Абу Ҳурайра

розияллоҳу анҳудан ривоят қилган экан. Аммо ҳадисни Қатодадан нақл қилаётган ровийлар иккала ривоятни қўшиб юборишган экан.

^[1] Буроқ» сўзи «чақнаш», «ялт этиш», «жилваланиш» маъноларини билдирувчи «барқ» сўзидан ясалган бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Исро кечаси минган уловнинг номи. У ё ўта тезлиги, ёки ўта оппоқ бўлгани учун шу номни олган. Ушбу ҳадисда унинг айрим сифатлари зикр қилинмоқда. Буроқнинг тўлиқ васфи Аллоҳга маълум. Биз ҳадисларда келган хабарлар билан чекланамиз.

^[2] Байтул-маъмур («обод уй») - осмон аҳлининг қибласи. У осмонда, Каъбанинг қоқ тепасида жойлашган.

Манба: hadis.islom.uz

